

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 7 декабрь, № 237 (5404)

Чоршанба



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЕТТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2011 йил 6 декабрда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Сенаторлар ялпи мажлисининг иккинчи кунини 2012 йилги солиқ сисъати концепциясига мувофиқ тайёрланган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқишдан бошладилар. Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Фуқаролик, Уй-жой, Солиқ кодекслари ва ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу ўзгартиш ва қўшимчалар кўчмас мүлкни ижарага берувчилар ва ижарага олувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, солиқларни тўлаш тартибини ҳамда солиқ маъмуриятчилиги тартиб-таомилларини соддалаштиришга, шунингдек, солиқ тўловчилар ва солиқ органларининг чиқимларини камайтиришга ёрдам беради.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг бир қатор халқаро шартномаларини кўриб чиқиб, маъқулладилар. «Халқаро электр алоқаси иттифоқининг 2006 йилги (Антарктия) ва 2010 йилги (Гвадалупа) Ваколатли конференциялари томонидан Халқаро электр алоқаси иттифоқининг Устави ва Конвенциясига доир қабул қилинган Тузатиш ҳужжатларини ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни шулар жумласидандир. Ушбу ҳужжатни қабул қилишдан мақсад Халқаро электр алоқаси иттифоқининг 2006 ва 2010 йилги Ваколатли конференциялари якунлари бўйича имзоланган ва Халқаро электр алоқаси иттифоқининг (ХЭАИ) Устави ва Конвенциясига Тузатиш ҳужжатларини ўз ичига оладиган Якунловчи ҳужжатларини ратификация қилишдан иборат.

Юқорида кўрсатилган ҳужжатларнинг ратификация қилиниши алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги стандартлаштириш бўйича халқаро фаолиятда Ўзбекистон Республикасининг фаол қатнашишини таъминлайди, мамлакатимизнинг маълумотлар узатиш соҳасидаги энг янги ахборот-коммуникация иш-

ланмаларидан баҳраманд бўлиш имконини кенгайтиради, шунингдек, тармоқ мутахасссларининг профессионал савиясини ошириш масалалари бўйича халқаро тажрибани ўзаро фойдали алмашишни амалга оширишга имкон беради.

«Жинойи даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи тўғрисидаги Битими (Москва, 2011 йил 16 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни битим легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи (ЕОГ)нинг асосий мақсадлари ҳамда вазифаларини белгилаб беради, унинг уст-ва органларини ҳамда ЕОГга аъзо бўлиш шартларини аниқлаштиради, шунингдек, ташкилот фаолиятини молиялаш механизmlарини конкретлаштиради.

Сенаторлар ушбу ҳужжатни муҳокама қилиш вақтида Ўзбекистон Республикасининг ЕОГ фаолиятда иштирок этиши жинойи даромадларни легаллаштиришга (тозаллаб олишга) ва терроризмни молиялашга қарши курашиш соҳасида Жинойи даромадларни легаллаштиришга қарши курашишда молиявий чораларни ишлаб чиқувчи гуруҳ (ФАТФ), Халқаро валюта фонди (ХВФ), Жаҳон банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари билан конструктив ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам беришини кўрсатиб ўтдилар.

Сенаторлар «Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Терроризмга қарши конвенциясини (Екатеринбург, 2009 йил 16 июнь) ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам кўриб чиқиб, маъқулладилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси томонидан киритилган Самарқанд вилоятининг Самарқанд шаҳри, Оқдарё ва Самарқанд туманлари чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги тақлиф кўриб чиқилди.

(Давоми 2-бетда).

8 декабрь — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун

БАХТУ САОДАТИМИЗ ҚОМУСИ

«Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга».

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасидан).



Кувонч ва ифтихор сурури

Хасан ПАЙДОВЕВ олган сурат.

ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДИМАН

Мустақиллик йилларида барча соҳалар қаторида спорт соҳаси ривожига ҳам катта эътибор кўрсатиб келинмоқда. Бундай гамхўрлик туфайли эса жаҳон ареналарида ёшларимиз ҳеч кимдан кам эмасликларини исботлаш имконига эга бўлдилар.

Уларнинг сафида эканлигимдан жуда бахтиёрман. Мана, бир неча йилдирки, спортнинг тарз-эвондо WTF тури билан шуғулланиб, олий қарра Ўзбекистон чемпиони ҳамда кўплаб халқаро турнирлар голиби бўлдим.

Табиийки, ўз олдига Ватан учун муносиб фарзанд бўлишдек олий мақсадни кўйган ҳар бир инсон яратилган шароитлардан унумли фойдала-

нишга интилади. Шу боис нафақат спорт, балки билим олишда ҳам

Гурур

Ўзимга билдирилган ишончни тўлиқ оқласам, дейман. Бу йўлдаги интилишлар бесамар кетмайди, албатта. Хусусан, жорий йилнинг май ойида олий ўқув юртлари ўртасида ўтказилган республика фан олимпиадасида «Жисмоний дамани-

ят назарияси ва услубияти» фани бўйича фахрли биринчи ўринни эгаллаганимда, хурсандчилигимнинг чеки бўлмади. Халқаро мусобақаларда иштирок этар эканман, Ўзбекистондек улуг юрт номига муносиб бўлишга интиламан. Айниқса, ҳар сафар гиламга чиққанимда, мени Ўзбекистон спортчиси, деб таништиришганида тўлқинланиб кетаман. Шунда Президентимизнинг биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмайми, деган сўзларидан чексиз куч оламан.

(Давоми 2-бетда).

Ҳалол меҳнат билан эл қорига яраб, унинг мушкулени осон қилишдан ортик бахт борми дунёда? Буни, айниқса, юртдошларимизнинг ўзлари эътироф этган пайтларда танлаган касбимдан фахрланиб кетаман.

РАВОН ЙЎЛЛАР, НУРЛИ МАНЗИЛЛАР

Мамлакатимизда меҳр кўйган касбининг этагидан тутиб, меҳнат қилиш учун барча шарт-шароит яратилган. Бу, энг аввало, Конституцияимизда кафолатланганлиги эътиборидир. Унинг 37-моддасида, жумладан, шундай дейилади: «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шарт-шароитларида ишлаш ва қонуندا кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир».

Шу маънода, мен бахтимни қурувчилик касбимдан топдим. Мана, 33 йилдирки, юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлигига хизмат қиладиган иншоотлар, кўприк ва йўللар қурилишида иштирок этиб келаяпман. Хаётимда амин бўлдимки, бизнинг мамлакатимизда қилинган кичик яхшилик ҳам беиз кетмайди. Менинг камтарона хизматларим давлатимиз томонидан юксак баҳолашиб, «Меҳнат шўхрати» ордени билан тақдирланганим бунинг ёрқин далилидир.

(Давоми 2-бетда).

Саломатлик

Руҳимиз тетик, жисму жонимиз соғ экан, ҳаёт завқини туйиб яшаймиз. Эзгу ният билан хайрли юмушларга, элу халқ манфаати йўлидаги ибратли ишларга ҳисса қўшиш учун интиламиз.

ЭЪЗОЗ ВА ГАМХЎРЛИК ОҒУШИДА

Юртимизда соғлиқни сақлаш тизими ривожига энг устувор вазифалардан бири сифатида аҳамият қаратилиб келинмоқда. Хусусан, Асосий Қонунимизнинг 40-моддасида ҳам ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги кафолатланганиги бунинг ёрқин тасдиғидир. Бу эса, табиийки, мамлакатнинг эртанги ёрғун истиқболи аҳоли саломатлиги, навиқрон авлод тақдир билан чамбарчас боғлиқлиги билан ифодаланади. Бугун ушбу ҳаётий ҳақиқатга монанд тарзда эл саломатлигини асраш, маънан ва жисмонан баркамол фарзандларни вояга етказишдек хайрли мақсад йўлида қатор чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг яқинда матбуотда эълон қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори фикримиз тасдиғидир.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимига рўй берган оламшумул янгиланишлар, тиббий хизматнинг жаҳон андозалари даражасидаги ўзига хос миллий модели яратилиб, энг замонавий давлолаш-ташхис ускуналари билан жиҳозланган шифо масканлари бунёд этилганлиги бунинг ёрқин ифодаси, дейиш мумкин. Фахрланасан арзийдики, юртимиз тиббиётида энг илғор услублар жорий қилиниб, соҳада малакали мутахассислар фаолият юритишини таъминлаш ҳамда шифо масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида эришилган илғор натижалар бугун халқаро доирада ҳам алоҳида эътироф этилаётган.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН — СЛОВЕНИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Тошкентда 6 декабрь кунини Ўзбекистон ва Словения ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбир Ўзбекистон — Словения савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалаларига бағишланди. Тадбирда икки мамлакатнинг иқтисодиёт, савдо, сармоя, банк-молия, саноат, ахборот техноло-

гиялари, фармацевтика, сайёҳлик, қурилиш, машинасозлик, энергетика ва мебелсозлик соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги раҳбарлари Ш.Тўлаганов

мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон билан Словения ўртасидаги муносабатларда иқтисодий йўналишдаги, жумладан, фармацевтика, ахборот технологиялари, мебелсозлик каби соҳалардаги ҳамкор-

ликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш устувор йўналишлардан ҳисобланади. Ўзбекистонда словениялик сармоядорлар иштирокида тузилган саккизта қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда словениялик сармоядорлар Ўзбекистон билан фармацевтика, озиқ-овқат саноати, қишлоқ ва сув хўжалиги, сайёҳлик каби соҳаларда ҳамкорлик қилишга катта қизиқиш билдиришмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат бошқаруви идоралари, жамоат ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг Идораларо йиғилиши бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

Йиғилишда Ички ишлар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари, Тошкент шаҳри ва вилояти ҳамда уларнинг туман-шаҳар ҳудудий тузилмалари раҳбарлари, Бош прокуратуранинг тегишли бошқарма ва бўлим бошликлари ҳамда масъул ходимлари, вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг ҳамда ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг соҳа бўйича ўринбосарлари иштирок этди.

Мазкур йиғилишда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат

бошқаруви идоралари, жамоат ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган ишлар аҳоли ва келгусидаги вазифалар муҳокама қилинди. Қайд этилишича, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан бир қаторда маҳаллий ҳокимликлар, давлат бошқаруви ва ўзини ўзи бошқариш идоралари, жамоат ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида жиноятчиликка қарши кураш борасида амалга оширилган кенг қамровли ва ҳамкорликдаги тадбирлар натижасида республикада криминоген вазиятнинг барқарорлиги таъминланган.

(Давоми 2-бетда).

Аҳоли бандлиги даражаси ошмоқда

Мамлакатимизда 2011 йилнинг январь — сентябрь ойларига ҳудудий дастурларга мувофиқ,

815,4 мингта иш ўрни яратилди.

Шунча иш ўринларининг 62,8 фоизи, яъни 512,4 мингтаси қишлоқ жойларда очилгани кувонарлидир. Бу Президентимиз ташаббуси билан қишлоқ жойларда саноатни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кўпайтириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини такомиллаштириш бўйича ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳаларнинг самарасидир. Сабаби, янги иш жойларини яратиш, бандлик даражасини таъминлаш борасида мазкур соҳаларнинг имконияти ниҳоятда катта. Жами иш жойларининг асосий қисми — 519,7 мингтаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, шу жумладан, 226,6 мингдан зиёди хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ҳиссасига тўғри келгани бунинг аққол далилидир. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, кейинги йилларда қасаначи-

ликнинг меҳнат бозоридagi иштироки ҳам тобора жонланмоқда. Натижада аҳолининг салмоқли қисми шундай меҳнат турига жалб этилаётган. Жорий йилнинг тўққиз ойида қасаначиликнинг турли шакллари кенгайтириш чора-тадбирларининг амалга оширилиши ҳисобидан 191,9 мингта, йирик миқдор қорхоналари билан кооперация асосида 55,8 мингта, пудрат шартномалари ва оилавий бизнес асосида 136,1 мингта иш ўрни яратилгани ана шундан далолат беради.


Мухтасар айтганда, иқтисодиётнинг етакчи соҳалари ривожлантирилаётгани, кўплаб янги қувватларнинг ишга туширилаётгани туфайли минглаб иш ўринлари ташкил этилиб, аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисми, айниқса, ёшларнинг бандлигини таъминлашга эришилмоқда.



**«Дўстлик» орденли
«Навоий кон-металлургия комбинати»
давлат корхонаси жамоаси**

барча юртдошларимизни мамлакатимизнинг
Асосий Қонуни — Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул қилинганлигининг
19 йиллиги билан самимий
қутлайди!

*Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги
тантана қилаётган ҳозиргидек бир даврда
республикамиз аҳолисига
сиҳат-саломатлик, оилавий бахт
ва хонадонларига тўкин-сочинлик
тилайди!*



8 ДЕКАБРЬ

«КАПИТАЛБАНК» ОАТБ

*Ўзбекистон халқини,
ўз миқозлари ва ҳамкасбларини*

**Конституция
қуни**

*билан чин дилдан
муборакбод этади!*

*Барчага бахт-саодат, сиҳат-саломатлик,
фаровонлик ва тинчлик-хотиржамлик
тилайди.*

Азиз ватандошлар!

«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» ОАЖ
меҳнат жамоаси

*сизларни инсонпарварлик ва адолат руҳи билан суғорилган, мазмун-моҳияти билан
Ватанимиз тинчлиги, эл-юрт фаровонлиги, фуқароларнинг тўлиқ
камолотини таъминлашга қаратилган
Бахтимиз Қомуси—*

**КОНСТИТУЦИЯ
қуни**

*билан чин дилдан
қутлайди!*

*Барчага сиҳат-саломатлик,
мусаффо осмон, истиқболли келажак
тилаб қолади.*



Токиода Ўзбекистоннинг сайёҳлик масканлари ва бой маданий мероси мавзусига бағишланган тақдирот маросими бўлиб ўтди. У мамлакатимизнинг Токиодаги дипломатия ваколатхонаси, Япония сайёҳлик агентликлари уюшмаси (JATA), "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ваколатхонаси ва "АJT INC" япон сайёҳлик компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

КУНЧИҚАР МАМЛАКАТ САЙЁҲЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ҚИЗИҚИШИ ОРТМОҚДА

Дунё сайёҳлари учун ташкил қилинган Риштон, Жиззах, Термиз шаҳарлари бўйлаб янги сайёҳлик йўналишлари, миллий авиакомпаниянинг халқаро ва маҳаллий миқёсдаги фаолияти, Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари, миллий таомлари ҳамда янги сайёҳлик дастурлари тўғрисидаги ахборотлар япон сайёҳлик фирмалари ваколатхоналари катта қизиқиш уйғотди.

Тақдирот чоғида Япония сайёҳлик агентликлари уюшмаси (JATA) халқаро саёҳатлар департаментининг директори Тошиаки Шигета Ўзбекистоннинг юксак сайёҳлик салоҳияти, бой маданияти, анъаналари ҳамда меъморий-тарихий ёдгорликлари хорижий

сайёҳларни ўзига жалб этаётган муҳим омиллар бўлиб хизмат қилаётганини қайд этди. Т. Шигета бир учи Япониянинг Нара шаҳрига етиб борган, бироқ маркази Ўзбекистон ҳудудида бўлган Буюк Ипак йўли япон ва ўзбек халқларини тарихан боғлаб келганини таъкидлади.

JATA халқаро саёҳатлар департаменти бош менежерининг ўринбосари Хироши Янагида Япония сайёҳлик агентликлари уюшмаси аъзолари Ўзбекистонга катта қизиқиш билан қарашаётгани ва бундан кейин япон сайёҳлари учун мунтазам равишда Ўзбекистон бўйлаб саёҳатлар ташкил этишни

режалаштираётганини маълум қилди. "Тақдирот маросимида 20 дан зиёд япон сайёҳлик ташкилот вакиллари иштирок этишди. Ташкилотчилар мазкур тадбирнинг ўтказилиши Ўзбекистон бўйлаб саёҳатларни ишлаб чиқиш ва ташкил

этишга кўмаклашиши баробарида Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент сингари тарихий шаҳарларни ўз кўзи билан кўришни истаган япон сайёҳлари сонининг сезиларли даражада кўпайишига қилишига комил ишонч билдиришмоқда", деди у.

"АJT INC" япон сайёҳлик компанияси Бош директори Эиджи Иваса 11 йилдан зиёд давр мобайнида "Ўзбекитуризм" миллий компаниясининг Япониядаги шериги ҳисобланган ўз компанияси япон сайёҳлари учун Ўзбекистон бўйлаб саёҳатларни қайд этди. Унинг таъкидлашича, Ўзбекистонга япон сай-

ёҳларнинг оқими йил сайин ошиб бормоқда. Кўпгина япон сайёҳлик фирмаларининг вакиллари Кунчиқар мамлакат сайёҳлари учун Ўзбекистон Республикасининг тарихий шаҳарлари бўйлаб янги турпакетларни таклиф этиш ниятидалар.

"AIR CRYSTALL INC" япон сайёҳлик компаниясининг директори Таеко Фушима ўзининг компанияси ҳам Ўзбекистонга саёҳатларни ташкил этиб келаётганини айтди. У жорий йилнинг июнида "Мега-инфо-тур" дастури доирасида Ўзбекистонга бориш имкониятига эга бўлганини маълум қилар экан, юртимизнинг бой маданий-тарихий мероси ҳамда ўзбек халқининг самимияти ва очикқўнчилиги ўзида унутилмас таассуротлар қолдирганини таъкидлади.

Шунингдек, у ажойиб ва бетакрор ўзбек миллий таомлари ҳам япониялик сайёҳларни ҳайратга солганини айтди. "Ўзбекистон бўйлаб янги сайёҳлик йўналишларини ишлаб чиқиш ва уларни япон жамоатчилигининг эътиборига ҳавола қилиш ниятидаман", деди Т. Фушима.

«Жаҳон» АА. Токио

Кулайлик
"Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан Қўшработ туманидаги тоғли ҳудудда жойлашган "Қўштамғали" қишлоқ врачлик пунктига замонавий кўёш батареяси туҳфа этилди.

Кўёш батареяси қишлоқ ақли хизматида

Электр энергияси таъминотининг яхшиланishi тўғрисидаги мазкур шифо масканида замонавий тиббий жиҳозлардан фойдаланган ҳолда аҳолига малакали хизмат кўрсатиш имконияти юзга келди.

Ҳозир Самарқанд вилоятидаги яна 20 та ҚВПга ана шундай тежамкор батареялар ўрнатилмоқда.

М. ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Ўзнефтьгазқазибчиқариш» АК
жамоаси
Ўзбекистон халқини умумхалқ байрами — Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганлигининг 19 йиллиги билан чин дилдан муборакбод этади!
Барчага мустаҳкам соғлиқ, фаровонлик, мамлакатимиз гуллаб-яшнаши ва осмонимиз мусаффо бўлишини тилайди!

«ЎЗКИМЁСАНОАТ» ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

мамлакатимиз кимёгарлари номидан Ўзбекистон халқини улуғ байрам — Конституция кунин билан чин дилдан қутлайди!

Меҳнатсевар, қўли гул халқимизнинг яратувчанлик ва бунёдкорлик жабҳасида эришаётган ютуқлари тобора кўпайиб, юртимиз кундан-кун чирой очаверсин!

Ҳар бир хонадонга тинчлик ва омонлик, бахт-саодат, дастурхонларига қут-барака, амалга ошираётган хайрли ишларига омад тилаймиз!

ОБ-ҲАВО (7 декабрь)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Кечаси 5-10, кундузи 0-5 даража совуқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёгингарчилик қутилмайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 0-5 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади. Навоий вилоятининг шимолида эса кечаси 5-10, кундузи 0-5 даража совуқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қутилмайди. Туман тушади. Кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ёгингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Ҳарорат кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 2-7 даража илиқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қутилмайди. Туман тушади. Тунда 0-5 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ёгингарчилик қутилмайди. Эрталаб (соат 11 гача) ва кечқурун (соат 17 дан кейин) туман тушиши мумкин. Ҳарорат кечаси 3-5 даража совуқ, кундузи 0-2 даража илиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

ТАРОЗИЛАР

0,0001 г дан 250 тоннагача

Сертификатланган + Сифат + Кафолат + Сервис

Кичик Бешбўғ к. 86 (Глинка кўчаси, олдинги шаҳар ГАИси қаршида), тел.: (998 71) 281-43-64, факс: 281-43-65;
 Туркела к., 5 (патент маркази), тел.: 232-06-61, 233-58-99, 233-60-07;
 Беруний к., («Тинчлик» метро бекати), тел.: 120-85-85, 242-42-52, 249-39-50.
 www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди жамоаси ҳўжалик судлари тизимида узоқ муддат меҳнат қилган **Раҳимжон ЛАТИФЖОНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сийёси Кенгаши Ижроия қўмитаси ва «XXI asr» ижтимоий-сийёси газетаси тахририяти газетанинг бош муҳаррири Миродил Абдурахмоновга падари бузруквори

АБДУЛЛА отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика Маънавият тарғибот маркази жамоаси тарғиботчилар фаолиятини мувофиқлаштириш ва малакасини ошириш бўлими мудир Шамсиддин Жумаева волида муҳтарамаси

МУНАВВАР отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзтрансаноат» республика уюшмаси ва «O'ztranslizing» лизинг компанияси жамоалари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими бошлиғи Мавлуда Абдуллаевага падари бузруквори

ВОҲИДЖОН отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзвинаноат-холдинг» компанияси раҳбарияти ва жамоаси «Узумшарбсервис» унитар корхонаси директори Алиба Аҳмеджановага акаси

Тошўлат РАЗЗАҚОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодий университетининг ректорати ва касаб уюшмаси қўмитаси университет Фалсафа кафедраси доценти Отаўжа Боҳодировга турмуш ўртоғи **ЗУҲРА** янинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Infin BANK

Barcha yurtdoshlarimizni O`zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi kuni bilan qutlaymiz va eng ezgu tilaklarni bildiramiz!
Diyorimizda doimo tinchlik va osoyishtalik, oilalarimizda esa qut-baraka va shod-xurralik bo`lsin!

8 DEKABR KONSTITUTSIYA KUNI

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуқчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиран Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1254. 48409 нусхала босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
 Девонхона 233-52-55;
 Котибият 233-10-28; Ўзлонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
 Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
 Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
 Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
 Навбатчи — Ю. Буранов.
 Мусоҳҳи — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.25 Топширилди — 02.20 1 2 3 4 5